



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz.) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйидагилар такдим этилиши лозим:

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этилишлари лозим.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади):

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;
- Такдим этиладиган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобган бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамада уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қамада ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда

кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.


7.2. танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси ҳарид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

И.Боев




А.Жумаев




М.Музаффаров



М.Тухтамишов



М.Кодиров



Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 «Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси қаранли объектларда бажариладиган қуриш-монтаж ишларида транспорт хизмат кўрсатиш
- 1.2 Танловнинг юқори қиймати ККС билан бирга 12 00 000 000 сўм.
Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмади.
- 1.3.Махсудот бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларинг техник қиемида илова қилинган.
- 1.4. Ушбу танлов якуналари бўйича голиб чиққан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.
- 1.5. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича
- 1.6. Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблағлари ўтказилган кундан бошланади.

2.Танлов ташкилотчилари

2.1 Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳар Шайхали қўرғонча

Елек/адрес: ajumayev056@gmail.com

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.Танлов Иштирокчилари

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат кўрсатишга ихтисослашган камида 2 йил тажрибага эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беринга банк қафолатномаси, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликда биноан лицензиялангирини зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд булмаганларга руҳсат этилади.